

Лазизахон АЛИДЖАНОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Диниунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO”
кафедраси стажёр-ўқитувчиси

МАНБАЛАРДА ТОШКЕНТ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Шарқ дарвозаси бўлмиш Тошкент шаҳри бугунги кунда мамлакатимизнинг маданий ва иқтисодий маркази, дўстлик ва тинчлик шаҳри, тарих дурдонасидир. Тошкент ислом маданиятининг ўчоғи сифатида тарихий аҳамиятга молик бўлиши билан бирга ўрта асрларда Европа мамлакатлари ва Хитойни боғловчи Буюк Ипак йўлида жойлашган муҳим савдо марказларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам у бетақдор тарихий ёдгорликлари ва исломий обидалари билан дунёнинг турли бурчакларидан келадиган минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб этувчи бетақдор шаҳардир.

Тошкент қадимдан илм-фан, маданият маркази бўлиб келганки, ҳозирда Шоший, Чочий, Банокатий ёхуд Тошкандий таҳаллуслари билан кўплаб уламо, фақиҳлар, шоир ва муаррихлар фаолият кўрсатган.

Тошкент тарихини ўрганишда ёзма манбалар муҳим аҳамият касб этади. Тошкентнинг XV-XVI асрларга тегишли ҳужжатларининг маълум қисми ўзбек тилида, қолганлари форс ва араб тилларида битилган.

Тошкент ҳақидаги қимматли маълумотлар турли қиссаларда, масалан XVI асрнинг

30-йилларида ёзилган “Бадоеъ ал-вақоеъ” асарида ҳам ёритилган. Зайниддин Маҳмуд Восифий ўз асарида Тошкент боғлари, уларда етиштирилган мевалар ҳақида, Тошкент қалъасининг мустаҳкамлиги, тош отадиган “сангандоз” қурилмаси ва бошқа хусусиятлари ҳақида сўз юритади. У феруза ва темир конлари, шунингдек Тошкент вилоятида чўян қуйилгани ҳақида ҳам тўхтаб ўтган.

Зайниддин Восифий Тошкент ҳукмдори саройи – Кайковус чорбоғида ўтказиладиган адабий мушоираларда ҳам фаол иштирок этиб, чорбоғ Тошкент қалъасининг ташқарисида жойлашганлигини қайд этади. Зайниддин Восифий ўз асарида Тошкент шаҳрининг XVI аср бошларида фан ва маданият маркази бўлганлиги ҳақидаги нодир маълумотларни, шунингдек, Тошкентда ижод қилган баъзи олимлар номларини ҳам санаб ўтган.

Тошкент тарихининг XIV-XVI асрга тегишли муҳим маълумотлари Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ ибн Рўзбихон Исфажонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Муҳаммад ибн Араб Қатағонийнинг «Мусаххир

ал-билод», «Таворихи гузидаи нусратнома» ва бошқа тарихий асарларда учрайди. Булардан ташқари, бу азим шаҳарни ўрганишда шарқшунос М.Е.Массон ўзининг «Прошлое Ташкента» асари, Ю.Ф.Буряковнинг «По древним караванным путям Ташкентского оазиса», «Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса», Г.Ф.Тетюхиннинг «У истоков древней культуры Ташкента», Ю.Ф.Буряков, А.И.Тереножкин, Х.Дукеларнинг «Древняя и средневековая культура Чача» илмий изланишларида XV–XVI асрдаги шаҳар ҳаёти тасвирланиб, кўплаб дўконлар, савдо расталари, бозорлар мавжуд бўлганлиги келтирилган.

“Тарихи жадидаи Тошканд” асарида эса, Тошкент шаҳар номи билан бирга маъмурий бирлик сифатида ҳам қўлланилиб, у вилоят сифатида анчагина катта ҳудудни камраб олган ва таркибига бир қанча шаҳарлар, қишлоқлар ва мавзелар кирган. Муҳаммад Солиххўжа унинг ҳудудини тахминан Сайхун дарёси бошланишидан охиригача деб кўрсатади. Бошқа бир жойда эса муаллиф Тошкентнинг шарқий сарҳадини Курама тоғлари билан белгилаб, Тошкент мулкига Сирдарёдан (шимолдан) насронийлар еригача, то Хитой ва Чинга қарашли Ғулжагача бўлган ерлар кирганлигини таъкидлайди¹.

Шаҳар сифатида эса, Тошкент ҳақидаги илк маълумотлар эрамиздан аввалги III асрнинг охири – II асрдаги қадимий шарқий манбаларда учрайди. Бу қадимий шаҳар Салар ариғи бўйида жойлашган Мингўрик қўрғони ўрнига тўғри келади. Археологлар ўзларининг қазилмалари асосида қўрғоннинг биринчи мустаҳкамловчи иншоотлари эрамиздан аввал I асрнинг охирида – эрамизнинг I асри бошида қурилган, деган хулосага келганлар, яъни шаҳар 20 асрлик тарихга эга. Хитой манбаларида Тошкент – “Ши” деб аталган. У пайтда бу шаҳар Кангюй давлатининг таркибига кирган. Хитойнинг «Ши» номли иероглифи «тош»

маъносини англатади. Форс шоҳи Шопур I эса эрамиздан аввалги 262 йилдаги «Зароастр Каъбаси» қайдномаларида Тошкент воҳаси “Чоч” деб номланган. Асарда келтирилишича, Чоч – олтин экспорти, қимматбаҳо тошлар, ширинликлар ва аслзот отларни бошқа шаҳар ва мамлакатларга олиб ўтишдаги йўлнинг чоррахасида жойлашган.

Эрамизнинг IV асрдан бошлаб Чоч шаҳри кўпгина тўқнашувларнинг марказида бўлиб қолади. 550 йилда Турк хоқонлиги тузилади, унга турклар забот этган Чоч шаҳри ҳам кирган. Турк хоқонлиги ағдарилгандан сўнг эса шаҳарни маҳаллий ҳукмдорлар бошқарганлар.

VII–VIII асрларда шаҳарнинг аҳолиси аралаш бўлган бўлиб, уларнинг асосий қисмини турк ва суғд аҳолисининг зодагонлари ташкил қилган.

713 йилда араб саркардаси ибн Қутайбанинг лашкарлари Чочга юриш қилиб, у ерда халифаликни ўрнатганлар. Ўша даврларда Тошкент воҳаси тўртта шаҳар ва йигирмата қалъадан иборат бўлиб, Мингўрик қолдиқларининг тадқиқ этилиши натижасида араб манбаларида ўша шаҳарларнинг бири “Мадина аш-Шош” деб аталган ва у ўз даврида марказий мавқени эгаллаган. VII–VIII асрларда Мингўрик ривожланиб, гуллаб-яшнаган. Унинг таркибига арк қалъаси ва шаҳарнинг ўзи – Шаҳристон кирган. IX–X асрларнинг ёзма манбаларида шаҳарнинг яна бир номи – Бинкат айтиб ўтилади. У арк қалъаси, ички шаҳар (шаҳристон ёки мадина) ва икки шаҳар ёни – ўтроқ аҳоли яшайдиган қисмларга бўлинган: ички (рабад-дахил) ва ташқи (рабад-хариж). Шаҳар арки алоҳида девор билан ўралиб, икки дарвозаси бўлган, биридан Рабодга, иккинчисидан Шаҳристонга чиқилган. Арк ичида ҳоким саройи, зарбхона ва қамокхона жойлашган бўлиб, арк деворига ташқаридан жомеъ масжиди туташган.

Шаҳристон аркка қараганда катта ҳудудни эгаллаб, у ҳам девор билан ўралган. Шаҳристоннинг Абул Аббос, Гумбаз, Қаср

¹ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент, 2007. -Б 52-53.

номли учта дарвозаси бўлган. Шахристоннинг Гулбозор маҳалласида Хожа Аҳрор Валий хазратлари томонидан жомеъ масжиди ва мадраса қурдирилган (XV аср).

Х асрнинг охирида Абу Райҳон Беруний асарларида пойтахтнинг номи илк бор «Тошкент» атамаси билан юритилган. XI асрнинг иккинчи ярмида турк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий ўз асарида Тошкент Бинкентнинг туркча номи эканлигини таъкидлаб ўтган.

Амир Темури хукмронлиги даврида Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида катта қурилиш ишлари олиб борилган. XIII асрда бузиб ташланган Бинкент шаҳар қалъаси қайта тикланган ва Амир Темури ўғли шарафига Бинкент янги – Шохруҳия номини олди. Темурийларнинг сўнгги даврларида Тошкент баъзан Самарқанднинг олий хукмдорига, баъзан эса Бухоро хукмдорига ёки Фарғона хукмдорларига бўйсунган.

1503 йилда Тошкентни Шайбонийхон эгаллаган. Шайбонийлар сулоласининг энг қудратли хонларида бири бўлган Суюнчихўжа султоннинг хукмронлиги даврида Тошкентнинг иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги роли анча ошган. Шайбонийзодалар ва қозоқ султонлари ўртасидаги пойтахтни эгаллаш учун бўлган кураш кўп йиллар мобайнида давом этган.

XVI асрда Тошкент шаҳрида фукаролик иншоотларини қуриш кенг авж олган. Бу иншоотларнинг бир қисми бизларгача ҳам етиб келган. 1554 йил Наврўз Аҳмадхон Шайбонийлар давлатининг олий хукмдорига айланганидан сўнг, кўпгина ҳудудларни ўзига қарам қилиб олди. Аммо, Бухорога бўлган юришлар натижасиз бўлиб, аксинча Бухоро хукмдори Тошкентга бир неча бор ҳужумлар уюштирган. 1582 йилда Абдуллахон Тошкентни ўзига бутунлай бўйсундириб олди. Илк Аштархонийлар хукмронлиги даврида (XVII аср) Тошкентда қозоқ султонлари мустақамланиб олдилар ва айнан шу даврдан Тошкентнинг замонавий – ҳозирги номи

шаклланди, зеро Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» китобида Шохруҳия ва Тошкент номлари бир маънони, яъни битта ҳудудни англатишини айтиб ўтади.

1758 йилда Хитой Жунғор давлатини тор-мор этганидан сўнг минтақада юзага келган қулай вазият Тошкент шаҳрига мустақил ҳолда яшашга имкон берди. Ўша даврда шаҳар тўртта даҳадан иборат бўлган. Даҳалар буюк дин пешволарининг мақбаралари айнан ўша ерда жойлашганлиги ҳамда улар катта зиёратгоҳ бўлганлиги сабабли уларнинг номлари билан аталган. Манбаларда Шимолий даҳа – Қафқол Шоший, Жанубийси – Занги ота, Шарқийси – Шайх Хованди Таҳур ва Ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари остида таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар кўпроқ Себзор, Бешёғоч, Шайхонтаҳур ва Кўкча деб юритилган. Уларни тўртта мустақил ҳокимлар – хўжалар бошқаришган ва шу сабабли уларнинг бошқарув даври “тўртта ҳоким даври” деб аталади. Лекин, уларнинг бутун шаҳарни бирлаштириб, қўлга киритишга бўлган интилишлари қуролли тўқнашувларга олиб келган. Шайхонтаҳур даҳасининг ҳокими Суюнчихўжанинг ўғли Юнусхўжа ушбу жанглarda ғолиб бўлиб, у ҳокимият тепасига чиқиши билан ўз сиёсати ва ўз қўшинларига эга бўлган яхлит Тошкент давлатини тузади, артиллерия тўпларининг жойлаштирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳимоя деворлари барпо этилади. Ҳимоя деворларининг умумий баландлиги 8 метр, қалинлиги 2 метрни ташкил этган. Кириш дарвозалари саккизта бўлиб, улар доимо қўриқланиб турилган. 1800 йилда Тошкентда бўлган М.Поспелов берган маълумотларда эса XVIII аср охирида, яъни Юнусхўжа олиб борган таъмирлаш ишларидан сўнг Тошкент баландлиги 26 фут² (7,9248 м), қалинлиги 6 фут (1,8288 м), юқори қисми 3 фут (0,9144 м) бўлган деворга эга бўлиб, шаҳарнинг майдони 26,4 кв км ни ташкил этгани тилга олинади. Дастлабки даврда ҳимоя деворининг

² Фут – а) рус узунлик ўлчов тизимида 1 фут=1/7саржин=0,3048 м; б) инглиз узунлик ўлчов тизимида 1 фут=1/3 ярд=0,3048 м.

саккиз дарвозаси бўлган бўлса, бу даврга келиб уларнинг сони ўн иккитага етади. Тошкентнинг мустақиллигини асослайдиган яна бир белги – тангалар зарб этилган. Шаҳар аҳолиси ҳам Юнусхўжанинг сиёсатини қўллаб-қувватлаган, чунки у барча чора-тадбирларни тинчлик ва аҳоли манфаатларини қўзлаб ўтказар эди.

Тошкентни Қўқон хонлиги XIX асрда қўлга киритиши билан Тошкентнинг мустақиллик даври барҳам топди. Анҳор қирғоғида баланд деворлар билан ўралган янги Арк қурилган. Унинг ичида ўз навбатида махсус девор ва учта чоҳ билан ўралган қалъа қурилган. XIX асрдаги Тошкент тарихига доир айрим маълумотлар Ўрта Осиё хонликларида ва Тошкентда бўлган рус саёҳатчилари ва ўлка тадқиқотчилари асарларида ҳам учрайди³. Жумладан, Тошкент ҳудуди тўғрисида 1738-1839 йилларда Тошкентда бўлган К.Миллер Тошкентни узунасига ва энига 4 верст⁴ (4,2672 км) келадиган, баландлиги тахминан 2 сажен⁵ (304-352 ёки 426,72 см) бўлган тупроқ девор билан 1813-1814 йилларда Тошкентга келган Ф.Назаров эса 15 верст (16,4 км) узунликдаги пахса девор билан ўралганини таъкидлайди. А.Добромисловнинг ёзишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар деворининг айлана узунлиги 24 верстга (25,6032 км) тенг бўлган⁶.

Ушбу асрларда шаҳарда кўплаб дўконлар, савдо расталари, бозорлар мавжуд бўлган. Дўконларнинг кўпчилиги бир пайтнинг ўзида ҳам дўкон, ҳам устахона ҳисобланган. Бозорларда мисгарлар, темирчилар, кандолатчилар, нонвойлар ва бошқа ҳунармандларнинг расталари бўлган. Одатда, ҳунармандлар яшайдиган маҳаллалар шу ҳунармандлик номи билан аталиб, шаҳарга кираверишда тақачилар,

шаҳар марказида заргарлар, шаҳар чеккасида совунгар ва кўнчилар, оқар сувга яқин жойда газламага гул босувчилар яшарди.

XVI асрда барпо қилинган бинолардан бири Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон) мадрасаси ҳисобланади. Мазкур ҳашаматли бино турли касб эгалари меҳнатини ўзида мужассам этган. Кўкалдош мадрасасининг барпо этилиши Бароқхоннинг ўғли Дарвешхон ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Мадрасанинг 170 та ҳужраси бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тарих ва маданиятимизни синчиклаб ўрганадиган ва уларни тадқиқ қилиш, ўрганиш долзарб мавзуга айланган. Шу даврга қадар Шарқ дарвозаси бўлмиш Тошкент тарихини ўрганиш, унда етишиб чиққан алломалар фаолиятини тадқиқ этиш кўп сонли олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Лекин, уларнинг асосий қисмини Ғарб шарқшунослари ташкил этиб, бугун кун тартибига қўйилган долзарб масалалардан бири ўзбек мутафаккирларини, хусусан, ёш олимларни етиштириб чиқаришдан иборат. Шу нуқтаи назардан, ёшларнинг билим олишлари, ўзликларини англаш учун барча шароитлар яратилмоқда. Зеро, кўҳна Тошкентнинг тарихий илдишлари икки минг йилдан ошиқроқ даврга бориб тақалади. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган баъзи ёдгорликлар, археологик текширувлар бунинг яққол далилидир. Тошкент ҳамма вақт илм-фан, тараққиёт, маданият ўчоғи сифатида доимо марказ ролини ўйнаб келганлиги, нафақат Шарқ манбаларида, балки Ғарб манбаларида ҳам ўз исботини топган.

³ Қаранг: Лунин Б. История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI-первой половины XIX в. – Т.: Фан, 1988

⁴ Верст – рус ўлчов бирликларида, XVIII аср охиридан бошлаб 1 верст 1,0668 км га тенг.

⁵ Сажен – узунлик ўлчов бирлиги, 1835 йилгача 1 сажен 152 ёки 176 см га, ундан кейинги даврларда 213,36 см га тенг бўлган.

⁶ Султонов Ў. Мухаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент, 2007. -Б 52.